



Ғолиблар

Шахмат тахтасида рақиб – оқ-қора,
Дунё давлатлари жам бўлган майдон,
Ақл жангоҳида чин маҳораба,
Милёнлар нигоҳи,
Милён ҳаяжон.

Асаблар зўриққан, тафаккур чақмоқ,
Юрт шаъни, шарафи довга қўйилган.
Ахир ҳаммагамас чемпион бўлмоқ,
Ўзбек ўғлонлари, дунё берди тан!

Яратган қўллови, миллат далдаси
Қалтис лаҳзаларда куч бўлди мудом.
Заҳматлар меваси,
Қувонч палласи –
Шоҳсупада янграр
ЎЗБЕК деган ном!

Акмал ТОШ



Ўзбекистон шахматчиларининг Ҳиндистонда 188 та давлат жамоалари иштирокида ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ғолибликка эришгани барчамизга чексиз ифтихор бағишлади. Бу муваффақият халқимизнинг интеллектуал салоҳияти не чоғли баландлигини дунёга яна бир қарра намойиш этди.

Айниқса, 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Ўзбекистон номини улуғлаган – Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жавоҳир Синдоров, Жаҳонгир ва Шамсиддин Воҳидовларнинг яқинлари, шунингдек, олимпиадада юртимиз хотин-қизларининг шахматдаги иқтидорини кўрсатган Нилуфар Ёқуббоева, Умида Омонова, Мафтуна Бобомуродова, Афруза Ҳамдамова ҳамда Маржона Маликованинг ота-оналари, устозлари беҳад хурсанд.

Ватан шаънини улуғлаган шахматчиларимизга Ўзбекистон Республикаси Президентини совғаси – энгил автомобилларнинг қалитлари, пул мукофотларининг сертификатлари тантанали равишда топширилди.

– Юртимизга олтин медал билан қайтганимиздан жуда ҳам хурсандимиз. Кеча давлатимиз раҳбарининг бизга кўнгирак қилганлиги, алоҳида табрик тўплаганлиги барчамизга катта гурур бағишлади. Ўзбекистон шахмати тарихида биринчи марта олтин медални қўлга киритдик, – дейди Жаҳонгир Воҳидов. – Бизни қўллаб-қувватлаган барчага, Президентимизга чин кўнгилдан раҳмат айтамыз. Мана шундай қўллов, эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида ғалабага эришдик.

Шиддатли баҳсларда 17 ёшли Нодирбек Абдусатторов, 20 ёшли Нодирбек Ёқуббоев, 16 ёшли Жавоҳир Синдоров, 20 ёшли Шамсиддин Воҳидов ҳамда жамоамиз фахри бўлган 27 ёшли Жаҳонгир Воҳидовдан иборат жамоа биронта уйинда маглубиятга учрамади.

Умумжамоа натижаларига кўра, 188 та мамлакат орасида ҳамюртларимиз олтин медалга эга чиққан бўлса, кумуш ва бронза медаллари Арманистон ҳамда Ҳиндистон жамоаларига насиб этди.

Қизлар ўртасидаги олимпиада баҳсларида Украина жамоаси олтин медал билан тақдирланди. Кейинги поғоналардан Грузия ва Ҳиндистон жамоалари жой олди. 162 та давлат жамоалари ўртасида кечган баҳсларда ўзбекистонлик қизлар жамоаси 31-ўринни эгаллади.

Яна бир эътиборли ҳолат. Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида жамоавий баҳслардан ташқари индивидуал натижалар бўйича ҳам ғолиблар аниқландики, бунда истеъдодли шахматчиларимиз муносиб кўрсаткичларни қайд этди.

Жумладан, Жаҳонгир Воҳидов 4-тахтада уйнаган шахматчилар ичидан олтин, Нодирбек Абдусатторов 1-тахтадаги шахматчилар орасида кумуш, Нодирбек Ёқуббоев эса 2-тахтадаги шахматчилар ўртасида бронза медалига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳиятини бутун дунёга кўрсатган ғолиб шахматчиларимизнинг ёрқин ютуғи энг улуғ, энг азиз байрамимизга – Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллик айёмига муносиб совға бўлганлигини эътироф этиш жоиз.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги қарорда байрамни “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғоя асосида нишонлаш белгиланган. Айни пайтда байрамни ўтказишда халқлар ўртасида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, дўстликни улуғлаш каби улуғвор туйғуларни намоеъ этишга ҳам эътибор қаратилган. Бугунги кунда “Дўстлик мингтакалари” да юз бераётган қардошлиқ ришталари мустаҳкамлиги ҳам халқимизнинг истиклол тўғрисида эришяётган ютуқларидан биридир.



ТАРИХ БАҒРИДАГИ ЗИЁ



Фракция йиғилиши

АВТОМАКТАБЛАРГА ЛИЦЕНЗИЯНИ КИМ БЕРАДИ?



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат – “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қайд этилганидек, ҳар йили йўлларимизда 10 минггача автоавария содир этилмоқда. Натижада қўллаб инсонлар бевақт ҳаётдан кўз юмпти, турли даражадаги тан жароҳати оляпти. Бунга асосан ҳайдовчиларни ўқитиш сифати, қоидабузарларга нисбатан жазо таъсирининг етарли эмаслиги, ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қасддан амал қилмаслиги сабаб бўлмоқда.



ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ЮТУҚЛАРИГА ҚАРАБ РАЪБАТЛАНТИРИЛАДИ

Хусусан, ўтган йили Халқ қабулхоналарига вазирилик ва ҳокимликлар ходимларининг билимсизлиги ва масъулиятсизлиги ҳақида 25 мингта, уларнинг мулоқот маданияти етишмаслиги билан боғлиқ 7 мингта шикоят келиб тушган. Юқоридаги фуқаролар томонидан билдирилган эътирозлардан ҳам билиш мумкин, қобилиятни аниқлаш, ўқитиш, ишни яхшилашга ўргатилган яхлит тизим бўлмагани учун айрим мутасаддилар вазифаларини эплай олмапти. Умуман, раҳбарларни танлаш, тайёрлаш ва мотивация бериш йўлга қўйилмагани ижродаги оқсоқликларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса, кўзланган мақсад ва марраларга эришишда салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.



ОТА...

Бечора она ўғлининг ёстигини ҳидлаб соғинчини босарди. Онанинг “Ўғлимни соғиндим, уни топиб, уйга олиб келинг” деб тинмай ёлворилишига қарамасдан ота ўз сўзида қатъий турарди.



“УРИБ КЕТДИ... ТЎҚНАШДИ... ВАФОТ ЭТДИ...”

Албатта, батафсил, уздуксиз ёритилиши ҳисобига йўл-транспорт ҳодисалари камайиб қолмайди. Биз бу мавзуда сукут сақлаш, йўл-транспорт ҳодисаларига бепарво қараш керак, деган фикрдан йироқмиз. Бирок, автоҳалокат тўғрисида одамлар бошига тушган мусибат, жароҳатланиш ва ўлим ҳолатлари телевидение, ижтимоий тармоқларда ҳаддан ортик ёритилиши инсон руҳиятига ёмон таъсир кўрсатиши, фуқароларни хавотирга солиши, жамиятда салбий фикрлар шаклланишига олиб келишидан кўз юмиб бўлмайди.



